



« 24 » апрел 20 13 й.

Наманган шаҳри 302 -сонли

**Наманган вилоятидаги бозорлар ва савдо комплексларининг
маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар,
ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар учун ундириладиган
тўловлар миқдорларини белгилаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ–1326-сон қарорининг 4-банди ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2017 йил 6 июндаги ПҚ–3037-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 7 январдаги 04/3-00402-сон хатини инобатга олиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда)нинг 6 ва 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2017 йил 6 июндаги ПҚ–3037-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

вилоятдаги бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириладиган бир марталик йиғимларнинг миқдори 1-иловага мувофиқ;

вилоятдаги бозорлар ва савдо комплекслари худудидаги бино иншоотлар ва инвентарларни ижарага бериш ва кўрсатиладиган хизматлар учун ундириладиган тўловлар миқдори 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Наманган шаҳар ва туманлар ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш вилоят ҳудудий бўлими ва бозорлар ва савдо комплекслари маъмуриятлари билан биргаликда:

бозорлар ва савдо комплексларидан тушадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматини белгиланган тартибда тўлик ундирилишини;

белгиланган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қиймати миқдорларини вилоятдаги барча бозорлар ва савдо комплексларига етказилиши, сотувчи ва харидорларга кўринарли жойларга жойлаштирилиши ҳамда амалда тадбиқ этилиши устидан назорат ўрнатилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш вилоят бўлими бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан бозорларда бир марталик йиғимлар, кўрсатилган хизматлар, фойдаланганлик учун ижара тўловлари йиғим миқдорларини кўпайтириш эвазига тушадиган даромадларни Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига белгиланган тартибда йўналтирилишини таъминласин.

5. Белгилансинки, қарорнинг 2-иловасига мувофиқ, умумий эгаллаган ер майдони 100 кв. метрдан ортиқ бўлган объектларни сақлаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар объектнинг фойдаланилаётган майдонидан келиб чиққан ҳолда ундирилади (бозор ҳудудидан ташқарида жойлашган объектлар бундан мустасно).

6. Вилоят ҳокимининг “Вилоятдаги бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик патга йиғимлари, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар учун ундириладиган тўловлар миқдорларини белгилаш тўғрисида” 2017 йил 24 мартдаги 169-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ушбу қарор халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин.

8. Мазкур қарор “Наманган ҳақиқати” ва “Наманганская правда” газеталарида эълон қилинсин ва вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Файзуллаев зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Х. Бозаров

Наманган вилояти ҳокимининг
 2018 йил "24" апрел даги
 "302" -сонли қарорига
 1-илова

**I. Вилоятдаги бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик
 йиғимларнинг миқдори**

(сўм)

т/р	Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	Тўловлар миқдори	
			Наманган шаҳри	Туманлар
1	Маҳсулотларни савдо ўринларида сотиш:			
1.1.	Мевалар: Хўл мевалар: олма, анор, нок, шафтоли, анжир, олхўри, гилос, кўк ва қизил султон, ўрик, узум, олча ва ҳ.к.	1 ўрин/кунга	5000	4000
	Малина, смородина, қулупнай, гилос, шотут	1 ўрин/кунга	5500	4500
	цитрус ва тропик мевалар (апельсин, мандарин, лимон, банан, ананас, киви ва ҳ.к) ҳамда чет элдан келтирилган бошқа хўл мевалар	1 ўрин/кунга	10000	8500
	Қурук мевалар, ёнғоқлар: туршак, баргак, майиз, ёнғоқ, ерёнғоқ, бодом, писталар, шўрданак ва ҳ.к	1 ўрин/кунга	10000	8500
1.2.	Сабзавотлар: сабзи, пиёз, саримсоқ, булғор қалампери, бақлажон, патиссон, помидор, бодринг ва бошқалар	1 ўрин/кунга	4000	3500
	Турп, шолғом, лавлаги, қизилча, карам	1 ўрин/кунга	4000	3500

	Картошка	1 ўрин/кунга	5000	4000
	Иссиқхонада етиштирилган бодринг, помидор, булғор қалампири	1 ўрин/кунга	6000	5000
		1 ўрин/кунга		
1.3.	Полиз маҳсулотлари: хандалак, қовун, тарвуз, ковоқ (6 кв.метргача)	1 ўрин/кунга	8000	7000
	хандалак, қовун, тарвуз, ковоқ (6 кв.метрдан ортиқ)	1 ўрин/кунга	10000	8000
1.4.	Дон маҳсулотлари: гуруч, кунгабоқар, ёрмалар (крупа), буғдой, сули, арпа ва ҳ.к	1 ўрин/кунга	5000	4000
1.5.	Дуккакли маҳсулотлар: мош, ловия, нўхат, жавари ва ҳ.к	1 ўрин/кунга	5000	4000
	ярим тайёр янчилган жавари (гўжа)	1 ўрин/кунга	4000	3000
1.6.	Сут маҳсулотлари: сут, қатик, қаймоқ, сметана, уй пишлоғи, сузма ва ҳ.к	1 ўрин/кунга	4000	3500
1.7.	Тузламалар: карам, бодринг, помидор ва ҳ.к салатлар	1 ўрин/кунга	5000	4000
1.8.	Зиравор ва дориворлар (зира, мурч, қалампир, нос, уруғлар ва ҳ.к	1 ўрин/кунга	5000	4000
	Асал ва асалчилик аксессуарлари	1 ўрин/кунга	7000	6000
	Мавсумий нишолда, холвайтар	1 ўрин/кунга	6000	5000
1.9.	Кўчатлар (шу жумладан, иссиқхонада етиштирилганлар)	1 ўрин/кунга	4000	4000
1.10.	Тухум	1 ўрин/кунга	5000	4000
1.11.	Гуллар (6 кв.метргача)	1 ўрин/кунга	5000	4000
	Гуллар (6 кв.метрдан ортиқ)	1 ўрин/кунга	7000	6000
	Кўчатлар (бодринг, помидор, булғор қалампири, қалампир, карам, бақлажон, райхон ва бошқа гул кўчатлар)	1 ўрин/кунга	5000	4000
	Кўчатлар (мевали ва манзарали дарахтлар кўчати, терак кўчати ва ҳ.к)	1 ўрин/кунга	8000	8000

1.12.	Нон маҳсулотлари (оби нон, патир, ширмой ва ҳ.к)	1 ўрин/кунга	4500	4000
	Уй шароитида тайёрланган булочка, пирог ва бошқа пишириклар	1 ўрин/кунга	4000	3000
1.13.	Уйда тайёрланган консерваланган маҳсулотлар, пазандалик маҳсулотлари (шу жумладан пиширилган нўхот, балиқ ва бошқа маҳсулотлари)	1 ўрин/кунга	5000	4000
	Уй шароитида тайёрланган қандолатчилик маҳсулотлари (оққанд, новвот, печак қанд, холвалар ва бошқа ширинликлар)	1 ўрин/кунга	5000	4000
1.14.	Саноат йўли билан ишлаб чиқарилган озиқ-овқат, кондитер маҳсулотлари ва салқин ичимликлар	1 ўрин/кунга	7000	6000
1.15.	Дудланган колбаса ва чўчқа ёғи	1 ўрин/кунга	10000	8000
1.16.	Миллий таомлар	1 ўрин/кунга	8000	7000
1.17.	Полиэтелен ва қоғоз пакетлар, саватлар ва посылка қутилар ва ҳ.к	1 ўрин/кунга	5000	4000
1.18.	Супурги, исирик	1 ўрин/кунга	5000	4000
1.19.	Тирик балиқ	1 ўрин/кунга	8000	6000
1.20.	Халқ ижодкорлиги, халқ хунармандчилиги ва касибчилик товарлари, шу жумладан хон тахта, сандал, бешик ва бешик анжомлари (6 кв.метр гача)	1 ўрин/кунга	6000	5000
	майда хунармандчилик моллари (ўроқ, арра, теша, болта, пичоқ, элак, жува, чекич, пиширик қолиплари ва бошқалар) (6 кв.метр гача)	1 ўрин/кунга	5000	4000
	Тери ва мўйна маҳсулотлари	1 ўрин/кунга	6000	5000
1.21.	Тижорат йўли билан олиб келинган ноозик-овқат маҳсулотлари, шу жумладан хўжалик моллари, тайёр кийимлар, газламалар, ўрин тўшак жихозлари (6 кв метр гача)	1 ўрин/кунга	6000	5000
	Тижорат йўли билан олиб келинган ноозик-овқат маҳсулотлари, шу жумладан хўжалик моллари, тайёр кийимлар, газламалар, ўрин тўшак жихозлари (6 кв метрдан ортиқ)	1 ўрин/кунга	10000	8000

1.22.	Атторлик (галантерия) маҳсулотлари	1 ўрин/кунга	6000	5000
1.23.	Гилам, шолча, палас (6 кв метргача)	1 ўрин/кунга	8000	7000
	Гилам, шолча, палас (6 кв метрдан ортиқ)	1 ўрин/кунга	10000	9000
1.24.	Миллий кийимлар, миллий дўппи ва бошқа миллий бош кийимлар	1 ўрин/кунга	5000	4000
1.25.	Мебел жиҳозлари	1 ўрин/кунга	10000	8000
1.26.	Уяли телефон аксессуарлари ва бошқа буюмлар (DVD, пулт, тюнер, антенна, ёритиш фонарлари ва х.к)	1 ўрин/кунга	6000	5000
1.27.	Майда концелария моллари (дафтар, ручка, блокнот ва бошқалар) календарлар, буклетлар, газета, журналлар ва х.к	1 ўрин/кунга	6000	5000
2.	Гўшт маҳсулотлари: мол, қўй, чўчка, парранда гўшти, жигар, думба ва х.к	1 ўрин/кунга	10000	8000
	Суб маҳсулотлар (хайвон тили, туёғи, калла гўшти, хасип ва х.к)	1 ўрин/кунга	6000	5000
3.	Маҳсулотларни автомашиналардан сотиш:			
	енгил автомашиналардан	1 машина	10000	8000
	юк автомашиналаридан	1 машина	15000	12000
	тиркамали, ярим тиркамали юк автомашиналари ва автопоездлардан	1 машина	16000	13000
	Аравачаларда (юриб) маҳсулот сотиш (қўкат, нон, ширинликлар ва х.к)	1 арава/кунга	5000	4000
	маҳсулотларни ердан сотиш (савдо расталаридан ташқарида, махсус ажратилган жойларда) (6 кв. метргача)	1 ўрин/кунга	6000	5000
4.	Уй хайвонлари учун ем-озуқалар (ҳар бир тиркама ёки юк автомашинаси учун): шрот, шелуха, комбикорма, пичан, сомон, гуруч ва маккажўхори			
	енгил автомашинасидан	1 машина	9000	7000
	юк автомашинасидан	1 машина	12000	10000
5.	Қурилиш материалларини сотиш:			

5.1.	Темир ва ёғоч дарвоза (ҳар 4x4 метр жой учун)	1 ўрин/кунга	12000	10000
5.2.	Эшик ва ромлар (ҳар 2,7x2,7 метр жой учун)	1 ўрин/кунга	8500	7500
5.3.	Краска, миҳ ва бошқа хўжалик моллари ҳамда қурилиш материаллари (1x1,5 метр)	1 ўрин/кунга	6000	5000
5.4.	маҳаллий ёғоч сотувчилардан			
	6 кв.метргача	1 ўрин/кунга	5 500	4 500
	6 дан - 15 кв. метргача	1 ўрин/кунга	7 500	6 500
	15 дан - 30 кв.метргача	1 ўрин/кунга	10 000	9 000
5.5.	Ишлаб чиққан ёғоч, тахта ва бошқа қурилиш материаллари сотувчиларидан			
	6 кв.метргача	1 ўрин/кунга	5000	4000
	6 дан - 15 кв. метргача	1 ўрин/кунга	6000	5000
	15 дан - 30 кв.метргача	1 ўрин/кунга	8500	7500
5.6.	Ишлаб чиққан труба, арматура, сим ва бошқа металллар			
	6 кв.метргача	1 ўрин/кунга	6 000	5 000
	6 дан - 15 кв. метргача	1 ўрин/кунга	7 000	5 500
	15 дан - 30 кв.метргача	1 ўрин/кунга	9 000	7 000
5.7.	Цемент, оҳак, мел, албастер, арзик, қум ва ҳ.к. (10 кв.метргача)	1 ўрин/кунга	5000	4000
5.8.	Қайта ишланган ёғоч маҳсулотлари (рейка, часпак, карниз ва шу турдаги маҳсулотлар) (ҳар 6 кв метр жой учун)	1 ўрин/кунга	5000	4000
5.9.	Кичик ўлчамдаги қурилиш материаллари (майда ўлчамли), сантехника, ёритиш ускуналарини (люстра, светильник ва ҳ.к.) сотиш (6 кв метргача)	1 ўрин/кунга	5500	4500
6.	Илгари фойдаланишда бўлган буюмлар ва эҳтиёт қисмларни сотиш:			
	Автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар	1 ўрин/кунга	6000	5000

	Уй-рўзгор жиҳоз буюмлари ва кийим-кечаклар	1 ўрин/кунга	5000	4000
7.	Автотранспорт воситаларини сотиш:			
	GM-Ўзбекистон (УзДЭУавто) ва хорижда ишлаб чиқарилган енгил автомашиналар	1 дона	21000	16000
	МДХ (СНГ) давлатларида ишлаб чиқарилган енгил автомобил ва микроавтобуслар		20000	15000
	юк автомашиналари, автобуслар, тракторлар ва бошқа юк кўтарувчи транспорт воситалари	1 дона	22000	18000
	мотоцикл, мотореллер ва мопедлар	1 дона	6000	5000
	велосипедлар	1 дона	3500	3500
	Сотиш учун келтирилган автотранспорт воситаларини сақлаш	1 дона/суткага	2000	1000
8.	Мол бозорига олинб кириладиган ҳар бир чорва моллари учун			
8.1.	От, той, туя	1 бош	15000	15000
	Бўталоқ, эшак	1 бош	8000	8000
8.2.	Йирик шохли қорамол:			
	йирик шохли қорамол (шу жумладан, сигир бузоқчаси билан)	1 бош	25000	25000
	Йирик шохли қорамоллар (буқа, сигир, ғунажин, бузоқ)	1 бош	15000	15000
	Бузоқча	1 бош	10000	10000
8.3.	Майда шохли қорамол:			
	Кўй кўзичоғи билан, эчки улоғи билан	1 бош	14000	14000
	кўй, эчки, кўзи	1 бош	8000	8000
	кўзичоқ, улоқча	1 бош	6000	6000
8.4.	Чўчка ва чўчка болаларн	1 бош	5000	3000

9.	Уй паррандалари: курка, товук, ўрдак, ғоз	1 бош	2000	2000
	товук, курка, ўрдак, ғоз жўжалари	10 бош	2000	2000
10.	Итлар, мушук, куёнлар	1 ўрин/кунга	5000	4000
11.	Манзарали қушлар ва балиқлар	1 ўрин/кунга	5000	4000
12.	Итлар, мушуклар, манзарали қушлар ва балиқлар учун озуқалар ҳамда тегишли аксессуарлар ва буюмлар	1 ўрин/кунга	6000	5000
13.	Итлар, мушуклар, манзарали қушлар ва балиқлар, шунингдек уларнинг озуқалари ва тегишли аксессуарлар ва буюмлар, бир жойда	1 ўрин/кунга	5500	4500
14	Арқон, занжир, эгар ва бошқа аксессуарлар сотувчиларидан	1 ўрин/кунга	5000	4000
15	Пойабзал таъмирлаш, чархчилик хизмати	1 ўрин/кунга	5000	4000

Изоҳ: 1) Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари билан савдо қилинганда, бир жой (савдо ўрни) ўлчами 1-1,2 погон метр деб белгиланади ва шу ўлчамдан ортиқ ўрин учун қўшимча равишда ҳар бир савдо ўрни учун белгиланган тўлов миқдорида жой ҳақи ундирилади.

2) ушбу илованинг 5.4, 5.5 ва 5.6-бандларида кўрсатилган қурилиш материалларини сотишда бир жой (савдо ўрни) ўлчами 30 кв.м. гача этиб белгиланади ва шу ўлчамдан ортиқ ўрин учун қўшимча равишда ҳар бир савдо ўрни учун белгиланган тўлов миқдорида жой ҳақи ундирилади (мисол: 5.4 –банд. Наманган шаҳрида 80 кв.м. учун қуйидагича тартибда ундирилади: 30 кв.м (10 000 сўм) + 30 кв.м (10 000 сўм) + 15 кв.м (7500 сўм) + 5 кв.м (5500 сўм) = 33000 сўм).

Наманган вилояти ҳокимининг
 2018 йил "24" апрел даги
 "302" -сонли қарорига
 2-илова

**II. Вилоятдаги бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги бино, иншоотлар ва инвентарларни ижарага бериш
 ва кўрсатиладиган хизматлар учун ундириладиган тўловларнинг миқдори**

(сўм)

т/р	Кўрсатиладиган хизматлар турлари	Ўлчов бирлиги	Тўловлар миқдори	
			Наманган шаҳри	Туманлар
1.	Бозорлар ва савдо комплекслари балансидаги бино ва иншоотлардан фойдаланганлик учун ижара тўлови:			
	Ноозиқ-овқат маҳсулотлари сотиш	1 кв.м./ойига	22 000	16 000
	Озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш	1 кв.м./ойига	21 000	15 500
	Умумий овқатланиш	1 кв.м./ойига	18 000	13 000
	Маиший хизмат кўрсатиш	1 кв.м./ойига	12 000	10 000
	Бошқа турлар (омбор, офис, дорихона, пайнет ва ҳ.к)	1 кв.м./ойига	12 000	10 000
2.	Бозор ҳудудидаги расталар ва очик жойларни ижарага бериш (курилиш материаллари сотишда)			
2.1.	Темир ва ёғоч дарвоза	1 кв.м./ойига	24000	21000
2.2.	Эшик ва ромлар	1 кв.м./ойига	32000	28000
2.3.	Краска, мих ва бошқа хўжалик моллари ҳамда курилиш материаллари	1 кв.м./ойига	150000	130000

2.4.	маҳаллий ёғоч сотувчилардан	1 кв.м./ойига	12000	10000
2.5.	импорт ёғоч, тахта ва бошқа ёғоч маҳсулотлари сотувчиларидан	1 кв.м./ойига	11000	9000
2.6.	ДВП, ДСП, Фанера ва шу турдаги маҳсулотлар шу жумладан қайта ишланган ёғоч маҳсулотлари (рейка, часпак, карниз, сайдин ва шу турдаги бошқа маҳсулотлар)	1 кв.м./ойига	38000	34000
2.7.	Шифер, ту누ка шу турдаги топ ёпқич маҳсулотлар	1 кв.м./ойига	23000	20000
2.8.	Труба, арматура, сим ва бошқа металлар	1 кв.м./ойига	23000	20000
2.9.	Цемент, оҳак, мел, албастер, арзик, қум ва ҳ.к.	1 кв.м./ойига	21000	18000
3	Инвентарларни ижарага бериш:			
3.1.	Тош-тарозилар учун	1 кунга	2000	1500
3.2.	Катта юк тортиш тарозилари учун			
	150 кг.гача	1 кунга	3 000	2 500
	150 кг.дан 1500 кг.гача	1 кунга	10 000	8 000
3.3.	Савдо жиҳозлари учун (болта, тахтакач, пичоқ, ўриндиқ, воронка, патнис, сават, ва ҳ.к) (бутун тўплам учун, бунда тўплам савдо фаолияти тури заруратидан келиб чиққан ҳолда аниқланади)	1 кунга	2 000	1 500
3.4.	Махсус уст-бош кийимлар учун (халат, этак, энглик) (бутун тўплам учун, бунда тўплам савдо фаолияти тури заруратидан келиб чиққан ҳолда аниқланади)	1 кунга	2 000	1 500
3.5.	Маҳсулотлар учун брезент бериш	1 кунга	4 000	3 000
3.6.	Аравачалар учун	1 кунга	2 500	1 500
3.7.	Реклама жойлаштиришга ажратилган ер майдонидан фойдаланганлиги учун (1 кв.метр)	1 кунга	1 300	1 000
4.	Кўрсатиладиган хизматлар турлари:			

	Қишлоқ хўжалиги ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш:			
4.1.	совуткичларда (ҳар бир яшиқ, қоп ва ҳ.к. учун)	1 кунга	3 500	3 000
	омборхоналарда, сақлаш камераларида (ҳар бир яшиқ, қоп ва ҳ.к. учун)	1 кунга	3 000	2 500
	бозор ҳудудидаги расталарда ва очик жойларда (савдо ўрни ҳисобидан)	1 кунга	3 000	2 500
4.2.	Буюмларни омборларда сақлаш (бир 50x50x100 ўлчамдаги жой учун)	1 кунга	3 000	2 000
4.3.	Маҳсулотларни тарозида тортиш			
	катта юк тарозида	1 марта тортиш	2 000	1 500
	йирик ва майда шохли қорамолни тортиш	1 марта тортиш	3 000	2 500
4.4.	Автотарозилардан фойдаланиш:			
	юк кўтариш қуввати 5 тоннадан ортиқ бўлган тиркамали, ярим тиркамали юк автомашиналари ва автопоездлардан:			
	юк билан	1 марта ўлчаш	3500	2500
	юксиз	1 марта ўлчаш	2 500	2 000
	юк кўтариш қуввати 5 тоннагача бўлган тиркамали ва ярим тиркамали юк автомашиналаридан:			
	юк билан	1 марта ўлчаш	3 000	2 500
	юксиз	1 марта ўлчаш	2 500	2 000
	енгил автомашиналардан:			
	юк билан	1 марта ўлчаш	2000	1500
	юксиз	1 марта ўлчаш	1500	1500

	тиркамали енгил автомашиналардан:			
	юк билан	1 марта ўлчаш	2 000	1 500
	юксиз	1 марта ўлчаш	2 000	1 500
4.5.	Меҳмонхона хизматидан фойдаланиш (1 та жой учун)	1 кунга	7000	6000
4.6.	Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш учун:			
	енгил автомашиналар учун	1 соатига	1 000	1 000
	юк автомашиналар учун	1 соатига	1 500	1 500
4.7.	Хожатхона хизматидан фойдаланиш	1 марта	500	500
4.8	Автотранспорт воситаларини бозор худудига юк олиб кириши ёки юк олиб чиқиши учун;			
	енгил автомашиналар учун	1 марта	1 000	1 000
	юк автомашиналар (5 тоннагача) учун	1 марта	2 000	2 000
	юк автомашиналар (5 тоннадан 10 тоннагача) учун	1 марта	5 000	5 000
	юк автомашиналар (10 тоннадан юқори) учун	1 марта	10 000	8 000
4.9	Савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчасининг атрофида (олд, ён, орқа ташқи қисмида) ташкил этилган пешво хизмат ва савдо жойи учун	1 кв.м./ойига	10 000	8 000
4.10	Телефондан фойдаланиш	1 марта	500	500
4.11	Радиоузел орқали эълон бериш	3 марта такрор	2 000	2 000

4.12	Умумий фойдаланиладиган объектларни сақлаш бўйича кўрсатиладиган мажбурий хизматлар (асфальтланган ва брусчатка ётқизилган йўлаклар, тротуарлар, кириш ва чиқиш жойлари, ер ости ва ер усти канализация лотоклари, ички ва ташқи ёритиш тармоқлари ва иншоотлари, ичимлик сувининг санитар-техник бўғинлари, умумий ҳудудни қўриқлаш ва тозалаш, маиший ва мева-сабзавот маҳсулотларининг чиқиндиларини йиғиш ва олиб чиқиш, ташқи муҳандислик-коммуникация иншоотлари ва ҳк)*			
	Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари сотиш	1 кв.м./ойига	15 000	13 000
	Умумий овқатланиш	1 кв.м./ойига	12 000	10 000
	Маиший хизмат кўрсатиш ва бошқа турлар (омбор, офис, дорихона, пайнет ва х.к)	1 кв.м./ойига	10 000	8 000

* Ушбу хизматлар бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги бино ва иншоотлар мулкдорларига кўрсатилади ҳамда улар учун кадастр ҳужжатларида кўрсатилган эгалланган ер майдонларидан келиб чиқиб ҳақ тўланади.

Изоҳ:

1. Мазкур илованинг 2-бандида келтирилган хизмат турлари ой давомида мунтазам фаолият юритадиган ҳар кунлик бозорлар ҳудудидаги расталар ва очик жойларни (қурилиш материаллари сотиш учун) ижарага беришда қўлланилади.
2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари аралаш ҳолда сотилганда, тўлов сотиладиган маҳсулот турлари бўйича белгиланган энг юқори ставка бўйича ундирилади.
3. Бозор ҳудудидаги бино иншоотларнинг 2-чи ва ундан юқори қаватлари ҳамда ертўла (подвал) учун ижара ҳамда инфратузилмага тўловларни ҳисоблашда биринчи қаватнинг ҳар бир квадрат метр жойи учун белгиланган ставкаларга 0,825 тузатиш коэффициенти қўлланилади. Мисол: Наманган шаҳридаги бозор балансида бўлган ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси учун мўлжалланган бинонинг 40 кв метр майдонга эга биринчи қавати учун $40 \cdot 22000 = 880000$ сўм ойлик ижара тўлови ҳисобланса, худди шу бинонинг юқори қаватлари ва ертўласи учун $40 \cdot 22000 \cdot 0,825 = 726000$ сўм ойлик ижара тўлови ҳисобланади.